



Шайхулисом Аллоҳшукур ПОШОЗОДА,
Кавказ мусулмонлари идораси раиси

БИРДАМЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН



Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида сўзлаган нутқида ислом динининг дунё миқёсидаги ўрнига юксак баҳо берди ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббусини кўтариб чиқди. Шу ўринда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Бугунги кунда дунёда ечими мураккаб туюлган муаммоларнинг ҳал этилиши аслида у қадар қийин эмас, аксариятининг жавоби қадимий қўлёзмалар саҳифаларида мужассам. Уларни синчиклаб ўқиб-ўрганиш, таққослаш, хулосалар чиқариш кўпгина чигал масалаларнинг ҳал этилишига олиб келиши муқаррар. Бу борадаги ишлар Ўзбекистонда тизимли равишда олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мана шу узвийликнинг манتيқий давоми десак, айни ҳақиқат бўлади. Бу юртда қадимда бўлгани каби мазкур академия туфайли диний илмлар янада тараққий топади. Шу сабабли, Президент Шавкат Мирзиёев мазкур академиянинг асосчиси сифатида унинг биринчи академиклигига лойиқ ҳисобланади, деб ўйлайман.

...Менинг шайхулисом бўлиб етишишимда ўзбек халқининг, атеизм ҳукм сурган ўша мураккаб даврда ҳам менда юксак маънавият, бағрикенглик, босиқлик, аҳиллик каби фазилатларни тарбиялаган ўзбек заминининг катта ҳиссаси бор. Айнан шу ерда биз, шўро даври мусулмонлари инсониятга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик келтирувчи чинакам ислом руҳи билан камол топдик.

...Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан Кавказ мусулмонлари идораси ўртасидаги муносабатлар ҳамда алоқалардан мамнунмиз. Қадрдон биродарим, муфтий Усмонхон Алимов билан биргаликда бизнинг қардош халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳамда ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатни ишга соламиз.

...Инша Аллоҳ, мамлакатларимиз келгусида бундан-да гуллаб-яшнаши ҳамда бахт-саодатга эришиши азалдан тақдири туташ Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг муносабатлари бундан-да мустаҳкамланиши ҳамда тараққий топишини Яратгандан илтижо қиламан.

Бирдамлигимизга кўз тегмасин, Аллоҳ эзгу ниятларимизга мададкор бўлсин!

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида ўқиган. Кавказ мусулмонлари идораси раиси (1980 йилдан), МДХ Динлараро кенгаши ҳамраиси (2004 йилдан), Тарих фанлари доктори, профессор.